

**ҚМҚ 2.02.01-98 “Бино ва иншоотлар заминлари”га
2-СОНЛИ ЎЗГАРТИРИШ**

16.2-бандининг учинчи хатбоши “махсус бурғилаш-аралаштиргич ёрдамида грунтларни чуқур қориштириш услубида (“Deep Soil Mixing” (DSM) ва “Wet Speed Mixing” (WSM) технологиялари асосида)” сўзлари билан тўлдирилсин;

16.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.4 Бурғилаш-аралаштириш усули 1 ва 2 типдаги грунтлар шароитида барча синф бино ва иншоотлар, автомобиль ва темир йўллари, метро, бошқа майдонли ва чизиқли объектлар, ҳаво электр тармоқлари устунларининг заминларини мустаҳкамлаш учун уларнинг физика-механика хусусиятидан келиб чиқиб, чўкувчан, шишувчан, сув билан тўйинган биоген ва чангсимон-лойли, элювиал, шўрланган ва тўкилган грунтларда, ишлов берилаётган майдонларда, шунингдек сейсмик ҳудудларда қўлланиши лозим”.